

Талабалар Африкада масжид қуришмоқда



07:00 / 19.01.2019 2961


“Маданият масжиди” деб ном олган ушбу масжид Истанбулнинг Маданият университети талабалари томонидан Африка қитъасининг Чад республикасида қурилмоқда.

Чад давлати Африканинг энг қолоқ республикаси саналади. Масжидни қуришдан асосий мақсад – бу ерда истиқомат қиладиган мусулмонларнинг ибодат қилишларига зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат, деб ёзади [islamveihsan.com сайти](http://islamveihsan.com).

Хабарда айтилишича, масжид ичида ёш болаларни исломий таълим олишлари учун ҳам алоҳида жой ажратилади. Масжидни бир ой ичида қуриб битказиш режалаштирилган.

Фан ва маданият жамиятининг ушбу лойиҳаси Кўнгиллилар уюшмаси ва Африка тадқиқотлар марказининг махсус лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда.

Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти